O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 6 сентябрь, № 175 (4074) Чоршанба

ЮЗ ФОИЗ МАҲСУЛОТ – ЭКСПОРТГА

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида Қўрғонтепа туманида йилига 80 тонна хомашёни қайта ишлайдиган пиллакашлик фабрикаси ишга туширилди. Таъкидлаш жоизки, «Марказ саноат экспорт» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниясига қарашли Андижон агроэкспорт масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган бу янги корхонада 200 нафар қўрғонтепалик хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Муҳими, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотларининг 100 фоизи хорижга экспортга чиқарилади.

СУРАТДА: тажрибали ишчи Турғуной Абдуллаева шогирди Гулноза Холматовага касб сирларини ўргатмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ – МУҲОКАМА МАВЗУИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизда йод танқислиги касалликларининг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. У қуйи палата Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртимизда "Сиҳат-саломатлик йили"да амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган ижобий натижалар тўғрисида тўхталиб, минтақамизда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис анжуманда йоднинг инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эгалиги хусусида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, йод гормонларни ишлаб чиқарадиган қалқонсимон безнинг меъёрий фаолияти учун, барча аъзолар ва тизимларнинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатувчи асосий микроэлемент ҳисобланади. Йоднинг ҳатто энг кам миқдордаги танқислиги бутун аҳолининг иш ва интеллектуал қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларга кўра, мамлакатимиз бўйича 2004 йилда эндемик бўқоқнинг тарқалганлиги болалар ўртасида 61,7 фоиз, катта ёшдаги аҳоли ўртасида эса 52,1 фоизни ташкил этади. Ушбу рақамлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фуқароларнинг, айниқса, болаларнинг овқатланишини назорат қилиш, саломатлигини яхшилаш ҳамда уларда йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларни ўз вақтида бартараф этиш зарур.

Шунингдек, анжуманда юртимизда истеъмол қилинадиган тузларнинг йодлаштириш даражасини текшириш натижалари ҳам кўриб чиқилди. Мутахассислар таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда туз ишлаб чиқарувчи 65 та корхона мавжуд бўлиб, улардан фақат 26 тасида йодланган туз ишлаб чиқарилади. Мазкур корхоналарнинг 40 фоизигина лабораториялар билан таъминланган, 35 фоизи эса тегишли талабларга жавоб бермайди. Мавжуд муаммоларни атрофлича бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган "Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тадбир иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди. Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олим ва мутахассислар ўн саккизта моддани ўз ичига олган ушбу ҳужжатнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Хушхабар

Халқаро сертификат берилди

Жиззахдаги «ЎзЭксайд» қўшма корхонасига Сифат менежменти тизими (2000 йилнинг ИСО-9001 серияси) халқаро сертификати топширилди.

«ЎзЭксайд» ҳозирги кунда Марказий Осиёда қўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари ишлаб чиқараётган ягона қўшма корхонадир. Жамоа аъзолари ишлаб чиқаришни юксак технологиялар асосида ташкил этиб, ташқи бозордаги мавқеларини юксалтириш, ички бозорни тўла таъминлаган ҳолда четга рақобатбардош аккумуляторлар чиқариш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, истеъмолчиларнинг ишончига кириш учун, энг аввало, сифатли маҳсулот зарур. Бошқа турдош корхоналардан устунлигини кўрсатиш учун эса ўз фаолиятида Халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиши керак бўлади. «ЎзЭксайд»да шунга эришилди.

Қўшма корхонанинг сифатга нисбатан бошқариш ва раҳбарлик қилиш жараёнини ўрганган «Ди.Кю.Эс» (Дойга-кволити-систем) немис органи корхонанинг халқаро стандартлар (ИСО-9001 серияси) талабига тўла жавоб беришини эътироф этди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзгаришлардан дил қувнайди

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимизнинг табрик нутқини, кўпчилик юртдошларим қатори, мен ҳам катта ҳаяжон билан тингладим. Юртбошимизнинг оташин сўзларини эшитар эканман, машаққатли, курашларга бой, қолаверса, Ватанимнинг ўзим гувоҳ бўлган ҳар бир тарихий куни кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади.

Тарих учун қисқа вақт ичида юртимизда барча соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, биз, тадбиркорларга бир пайтлар «чайқовчи» дея тамға босилиб, доимий таъқиб қилинган бўлсак, бугун буюк келажак бунёдкорларига айландик. Президентимиз ўз нутқларида бу ҳақда алоҳида тўхталдилар: «Кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини устувор даражага кўтариш, давлат ва жамият томонидан уларни ҳимоя қилиб, барча ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб турибди».

Биз катта бизнесимизни ривожлантира бориб, улкан натижаларга эришмоқдамиз. Мен асос солган «Green World» қўшма корхонаси иш бошлаганига етти йилдан кўпроқ вақт ўтди. Юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити яратилгани боис қисқа вақтда биз ўз маҳсулотларимизни нафақат ички бозорга, балки «Made in Uzbekistan» тамғаси билан жаҳон бозорларига ҳам чиқара бошладик. Бизнинг шиоримиз мамлакатимизда жаҳон стандартларига тўла мос келадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда юртимиз экспорт салоҳиятини муттасил ошириб боришдир.

Ҳозирда биз Италия, Буюк Британия ва германиялик тадбиркорлар билан кенг кўламда ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Серқуёш ўлкамизда етишитирилаётган сархил мева ва сабзавотлардан тайёрланаётган турли шарбатларимиз халқимизга, қолаверса, хорижликларга ҳам манзур бўлмоқда.

Экологик тоза маҳсулотлар тайёрлашга бўлган интилишларимиз хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, «Green World» корхонаси «International Star for Quality» («Сифат учун халқаро юлдуз») ва «Among the World's Best»(«Дунёдаги энг зўрлар орасида») халқаро совринлари билан тақдирланган.

Биринчи галда биз, тадбиркорлар тинч-осуда ва фаровон ҳаётимиз қадрига етишимиз, Ватанимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга чин дилдан киришмоғимиз лозим.

Аваз ИСМОИЛОВ, «Green World» қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри.

Тошкентдан Австралия очиқ чемпионатига

Пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази» кортларида яна бир йирик турнир — теннис бўйича Осиё чемпионати бошланди.

Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада Баҳрайн, Гонконг, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Кувайт, Хитой, Хитой Тайпейи, Япония ва Ўзбекистон теннисчилари бош соврин учун баҳс юритмоқдалар. Мазкур чемпионатга Халқаро теннис федерацияси томонидан 1972 йилда асос солинган. Дастлабки мусобақаларга Манила, Жакарта ва Пекин шаҳарлари мезбонлик қилганди. Узоқ вақт давомида беллашувлар фақат ҳаваскорлар ўртасида уюштирилди. 1989 йилдан бошлаб эса профессионал спортчиларнинг қатнашишига ҳам рухсат берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 2002 йилда Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб қитъа чемпионатига мезбонлик қилди. ATF билан республикамиз теннис федерацияси ўртасида уч йиллик шартнома имзоланди. Юртимизда бунёд этилган теннис кортларининг халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши, қатнашчиларга яратилган имкониятлар, қўйилган талабларнинг муваффақиятли бажарилиши сабабли, шартнома муддати яна уч йилга узайтирилди.

(Давоми 4-бетда).

Эътибор қилинг:

Эзгу ниятларни кўзлаган тадбиркор ишонувчанлиги туфайли шартномага қўл қўйиб берди. Унинг мана шу ҳаракати бошига кўп ташвишлар келтирди.

Гап нимадалигини билмоқчи бўлган журналистлар бу борада суриштирув ўтказишди. Тафсилотлар билан газетамизнинг ички саҳифаларидан жой олган «Рағбат ўрнига туҳмат» мақоласида танишасиз.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан шахсан ўз номимдан ҳамда Исроил халқи номидан Сизга омонлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Моше КАЦАВ, Исроил Давлати Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни шонли санаси муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий қутловларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам чуқурлашиб ва ривожланиб бораверади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омонлик ва узоқ умр, биродар Ўзбекистон халқига эса мустаҳкам тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Профессор, доктор Иажуддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Сизга, Сиз, Жаноби Олийларининг Ҳукумати ва халқига самимий қутловларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мамлакат барқарорлиги ва халқ фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда чин қалбдан катта муваффақиятлар тилайман, иккала мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада ривожланиб боришига ишонч билдираман.

Ким Ен НАМ, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан шахсан Сизга ва бутун ўзбек халқига ўзимнинг қизғин табрик ва самимий қутловларимни йўллайман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, сиёсий мулоқотларимизни давом эттиришга, шунингдек, иқтисодий, савдо ва маданий муносабатларимизни янада кенгайтиришга катта аҳамият беришимни таъкидлаб ўтмоқчиман. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги вазмин ҳамда амалий мулоқотларни қайтадан бошлаш борасида ҳамкорликда иш олиб боришимизни истайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

Жак ШИРАК, Франция Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Австрия халқи номидан Ўзбекистон халқига бахтли келажак тилаб билдирган энг эзгу самимий истакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Хайнц ФИШЕР, Австрия Федерал Президенти.

* * *

Дўст Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Дўст мамлакатингиз ўзининг мустақиллик кунини нишонлаётган ушбу дамларда Сиз, Жаноби Олийларига ўзимизнинг самимий қутловларимизни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Дўст мамлакатларимиз ва унинг биродар халқлари орасидаги мустаҳкам дўстона алоқалар узлуксиз тараққий этиб, ривожланиб боришидан умид қиламан.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг биродар халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ, Кувайт Давлати Амири.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўзимнинг номимдан Сиз, Жаноби Олийларини самимий муборакбод этаман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Халифа бин Зоид Ол-НАҲАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий байрамини нишонлаётган ушбу кунларда Сизга Жазоир халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан қизғин табрикларимни йўллаш менга ҳузур бағишлайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш йўлида ҳамда уларни қизиқтирувчи халқаро масалалар бўйича сиёсий мулоқотларни кучайтириш йўлида Сиз билан биргаликда меҳнат қилишни давом эттиришга тайёр эканлигимни таъкидлашни истайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг энг самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар яхши қўшничилик, ўзаро манфаат, ҳурмат ва икки мамлакат ўртасидаги маданий муштараклик асосида ўрнатилган. Бу муносабатларнинг келажакда янада ривожланишига ишончим комил.

Ўзимнинг эзгу истакларимни яна бир бор изҳор этиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, дўст ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқига саодат ва равнақ тилайман.

Ҳамид КАРЗАЙ,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий ва қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларига ўзаро саъй-ҳаракатларимиз туфайли янги омил бағишланади, халқларимиз манфаатлари йўлида жадал ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверади.

Ҳурматли Президент Жаноблари, мустақиллик байрами кунида Сизга ва Сиз орқали бутун дўст Ўзбекистон халқига чин қалбдан тинчлик ва омонлик, миллий иқтисодиётни, фан ва маданиятни ривожлантиришда, барқарорлик ва тараққиёт гарови бўлмиш демократик институтларни ҳар томонлама мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Виктор ЮШЧЕНКО,
Украина Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига энг қизғин қутловларимни йўллайман.

Мамнуният ила эътироф этишим керакки, Ўзбекистон халқи мустақилликдан кейинги 15 йил мобайнида сиёсий барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида катта ютуқларга эришди, ташқи муносабатлар ривожланиб бормоқда ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада тараққий этмоқда.

Ишончим комилки, Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳамда кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг равнақи йўлида кундан-кунга мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Президент Жаноблари, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ғоят масъулиятли лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Нгуен Минь ЧИЕТ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Малдив ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда биродар Ўзбекистон халқига мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрик ва тилакларимни йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Маъмун Абдул ҚАЮМ,
Малдив Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Дўст мамлакатингиз миллий байрамининг 15 йиллиги муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Буюк Ливия Социалистик Халқ Жамоҳирияси халқи номидан Сизга самимий қутловларим ва мустаҳкам соғлиқ, сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

полковник Муаммар ҚАДДОФИЙ,
Ливия Раҳбари.

Парламент ҳаёти

Мамлакатимиз парламентида икки палатали тизим жорий этилганидан буён бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, шу давр ичида нима ўзгарди? Қонун ижодкорлиги йўлида қандай янгиликлар яратилди? Ушбу саволлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВга мурожаат қилдик.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛАШУВИ

— Олий ҳокимият органининг икки палатали тизимга ўтишини ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Дастлаб парламент шаклан ўзгарди, лекин фаолияти ўша-ўша, дегувчилар ҳам топилди. Ўтган бир ярим йилдан кўпроқ вақт ичида миллий қонунчилигимиз соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар бу қараш нотўғри эканлигини амалда исботлади. Тўғри, икки палатали парламент фаолиятининг шаклланиш жараёни депутатларимиз учун ўрганиш даври бўлди. Дастлаб бизнинг олдимизда қўмита фаолиятини қандай ташкил этиш ва биринчи ишни нимадан бошлаш керак, деган саволлар қўндаланг турарди. Бу биз учун катта синов даври бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузаларида: "Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Биз миллий манфаатларимиз мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Айни пайтда халқаро ҳаётнинг муайян принципиал масалалари бўйича қарашларимизда тафовут бўлган давлатлар билан ҳам очиқ мулоқот олиб боришга ҳозир эканлигимизни билдирамиз" деган эдилар.

Қўмита ушбу устувор йўналишларни асос қилиб олар экан, унинг ижросини таъминлашда, биринчи галда, Олий Мажлиснинг мустақиллик йилларида шаклланган иш тажрибасига суянган ҳолда фаолият режасини тайёрлади. Аъзолар ўртасидаги иш тақсимотига бошқача ёндашилди, яъни Ўзбекистон имзолаган халқаро конвенциялар минтақалар бўйича ўзаро бўлиб олинди. Бу эса 400 га яқин халқаро ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиш имконини бериш билан бирга, депутатларимизнинг ихтисослашувига ҳам олиб келди. Қўмита амалиётида илк бора, Регламентга мувофиқ, ҳар ҳафта жума кунлари бўладиган қўмита йиғилишларидан сўнг "қўмита соати" ўтказиш ташкил этилди. Унда қўмитамизнинг "ихтисослашган" аъзоси депутатларга ўзи ўрганган халқаро ҳужжат тўғрисида батафсил маълумот беради. Бу эса, ўз навбатида, барчамизда халқаро ҳужжатлар тўғрисида умумий тушунчалар шаклланишига олиб келмоқда.

Қўмита қонунчилик фаолиятининг асосий йўналиши — бу Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро ҳужжатларнинг уларда кўрсатилган шартларига асосан Олий Мажлис томонидан ратификация, денонсация қилиш ёки уларга қўшилиш масалалари бўлса, қўмита томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тан олган халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчилигимизга уйғунлаштириш, амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш, янги қонун лойиҳалари тайёрлаш борасида ҳам ўз ваколатлари доирасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Олдин мазкур масалалар Олий Мажлис қарорлари билан амалга оширилган бўлса, икки палатали парламент тизимига ўтилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси Қонуни даражасида қабул қилинмоқда. Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, парламент нафақат шаклан, балки унинг фаолияти ҳам тубдан ўзгарганини, шунингдек, мамлакатимизнинг тан олинган халқаро ҳужжатлар ва нормаларга масъулиятли ёндашувини яна бир бор тасдиқлайди ҳамда унинг халқаро майдондаги нуфузини янада кўтаради.

Қўмитамизда ўтган бир ярим йилдан кўпроқ давр мобайнида мазкур йўналишдаги 18 та қонун лойиҳалари устида иш олиб борилгани уларнинг долзарблиги ва кенг қамровли эканлигидан далолат беради, десак муболаға бўлмайди.

— Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Бунда, албатта, парламентнинг ҳам ҳиссаси катта. Сизнингча, икки палатали парламент Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошишида кўпроқ нималарга эътибор қаратди?

— Бу саволнинг жавоби, албатта, қўмитамиз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқади. Негаки, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари тарихан қисқа давр ичида юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида муҳим аҳамият касб этди. Аввало, шуни айтиш керакки, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаган ташқи сиёсатимизнинг бош мезони — Ўзбекистон манфаатининг устуворлигидир. Бунда, биринчи галда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашга оид вазифалардан келиб чиқадиган йўналишлар белгилаб олинди. Шунингдек, Марказий Осиёда умумий бозорни қарор топтиришга йўналтирилган вазифалардан келиб чиққан дастурларимиз ҳам ҳаракатда.

ШҲТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида кейинги давр мобайнида минтақада интеграциялашув жараёнлари кучайди. Бу жараёнларда Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Бу эса биз, депутатларга ҳам катта вазифалар юклайди. Биргина Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришини олайлик. Ушбу ташкилот талаблари асосида қонунларимизни ҳам мослаштиришимизга тўғри келади. Бу эса депутатларимиздан катта фидойилик талаб этади.

Бевосита Қонунчилик палатасининг бошқа мамлакатлар парламентлари билан алоқалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсам. Шу пайтга қадар Россия, Германия, Греция каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатлари парламентлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан дўстлик гуруҳлари тузганлиги ҳақида хабар қилишди. Парламентимиз тарихида илк бор Жанубий Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик гуруҳи тузилди. 4 нафар Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатасидан 5 нафар депутат гуруҳ аъзолари бўлишди.

Мазкур дўстлик гуруҳлари парламентлараро муносабатларни яқинлаштиришга кўмаклашади. Ўзаро ташриф-лар алмашади. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда катта амалий ёрдам кўрсатади. Ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан ташаббусларни ўртага ташлайди.

Шу билан бирга, парламентлараро алоқалар мустаҳкамланаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жаҳон парламентаризми Ўзбекистон парламентининг икки палатали тизимга ўтганлиги ва доимий профессионал асосда фаолият бошлаганини катта қизиқиш билан кузатмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон парламент делегациялари бир қатор хорижий давлатларда бўлиб қайтдилар. Кувайт, Финляндия, Россия, Ирландия, Англия, ХХР, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатларнинг турли даражадаги делегациялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб, миллий қонунларимизни яратиш жараёнлари билан яқиндан танишишди.

— Қўмитанинг қонунлар ижросини назорат қилиш борасидаги фаолияти қандай бўлди?

— Қўмитамиз назорат-таҳлил фаолияти доирасида анча ишлар бажарди. Жумладан, шу кунгача "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ижро этилиши ҳақида, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенциянинг Қашқадарё, "Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция"нинг Тошкент вилоятларида ижро этилишини ўрганиш жараёнларига вазирликлар, ташкилот ва идоралар вакиллари ҳам бевосита жалб қилинди. "Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги халқаро Конвенциянинг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши ўрганилди ва натижалари қўмитанинг кенгайтирилган сайёр йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур масалаларнинг назорат-таҳлили натижасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга уйғунлаштириш бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқмоқдамиз. Бундай тавсиялар қўмита томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, илмий-амалий конференцияларда мунозара, ўзаро фикр алмашувлар, таклиф ва мулоҳазалар билан янада мукаммаллашмоқда. Аниқланган камчиликларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида назорат-таҳлил фаолияти якунларига бағишлаб қўмитанинг биринчи сайёр йиғилиши ўтказилди. Депутатлар халқ орасида бўлишди. Ҳақиқий ҳолатни ўз кўзлари билан кўришди. Муаммоларни жойида ўрганиш асосида қўмита аъзоларида янги таклиф ва ташаббуслар туғилди.

«Халқ сўзи» мухбири Юнус БЎРОНОВ суҳбатлашди.

Қўшалоқ қўшма корхона

Мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида 100 га яқин қўшма корхона ташкил этилди. Яқинда уларнинг сони яна иккитага кўпайди.

Тошлоқ туманидаги «СТА-Пласт» хусусий корхонаси билан Жанубий Кореянинг «Сам-Янг Хайтек» фирмаси ҳамкорлигида «СТА Сам-Янг» деб номланган қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда бу ерда 14 турдаги маиший-хўжалик буюмлари тайёрланяпти. Хомашё эса Шўртандаги газ-кондиция корхонасидан келтирилмоқда.

— Мен ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилаётганимдан мамнунман, — дейди «Сам-Янг Хайтек» фирмаси президенти Дук Жу Хан. — Айниқса, юртингизда қулай инвестиция муҳити яратилгани, бу борада бир қатор имтиёзлар мавжудлиги жуда маъқул бўлди. Қўшма корхонамизнинг қандай ишлашига бизнинг юртимиздаги кўпчилик шериклларим, сармоядорлар кўз тикиб туришибди. Бу ердан қайтгач, албатта, уларга Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб, ҳеч иккиланмай сармоя киритишга даъват этаман.

Ўзининг 2000 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўраётган Марғилон шаҳрида янгидан ташкил этилган «Фар Рос Марғилон» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида эса дастгоҳларни монтаж қилиш, созлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Таъсис фонди 934 минг АҚШ долларига тенг бўлган қўшма корхонада, асосан, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу мақсадда Германиядан 13 та энг замонавий тикув-бичув дастгоҳи олиб келинди. Энг муҳими, тез орада атласчилар шаҳрининг 150 дан зиёд ёшлари иш ўринларига эга бўлади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 5 сентябрь. Иброҳим Жонузоқов «Осмонимиз мусаффо бўлсин»:

«...Курсантлар билан узоқ гурунглашдим ва беихтиёр қайсидир файласуф айтган гаплар эсимга тушди: ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг, Ватанининг жажжи қиёфаси яшайди. Суҳбатдошларим — юртимнинг мард ва фидойи ўғлонлари қалбида мен ўз халқимни, мустақил Ўзбекистонимни кўргандай, ҳис қилгандай бўлдим».

«Тошкент оқшоми» 4 сентябрь. Хидирали Панжиев «Дориломон кунлар шукронаси»:

«Онахоннинг кўкси узоқ йиллик заҳматли меҳнатларнинг эътирофи сифатида «Шуҳрат» медали билан безанди. Қувончларга лиммо-лим дил сўзлари, самимий тилаклар янгради. Барча-барчага Зуҳра ая сингари улуғ ёшга етиш насиб қилиши тиллардан дилларга кўчди».

«Ўзбекистон футболи» 5 сентябрь. Ойбек Юнусов «Ғолиб аниқ, мухлис шод, анъана эса давом этади»:

«Бор гап, мамлакат чемпионатининг олий ва биринчи лига учрашувлари деярли бўш стадионларда ўтаяпти. Мана-ман деган «Пахтакор» стадионига, нари борса, икки-уч минг томошабин киряпти, футболнинг ашаддий фанатлари бўлган Фарғона водийсидаги ўйинларга ҳам тўрт-беш минг мухлис тушадиган бўлиб қолди. Яйпандаги Олимжон Акбаров номидаги стадионга эса сизга ёлғон бизга рост, одам сиғмай кетди».

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» 5 сентябрь. Ибодат Соатова «Истиқлол билан ҳамоҳанг»:

«Академик М.Абдуллаҳўжаева кўпгина давлатларда етук олим сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги илмий ютуқларини жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари Россия, Руминия, Югославия, Италия, Бельгия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби давлатларда тақдим қилган».

Журналист суриштируви

Рақобатда шафқат йўқ! Сифат — муваффақиятлар гарови!

Бу бозор иқтисодиётининг ҳаётий қонуни. Унга риоя қилиб, ўзи тайёрлаётган маҳсулот ёки кўрсатаётган хизмат сифатини яхшилашга интилганлар, хоҳ хусусий тадбиркор, хоҳ жамоа корхонаси бўлсин, албатта ютади.

РАҒБАТ ЎРНИГА

Масалага шу жиҳатдан қарасак, Намангандаги "Атлас" акциядорлик жамиятида ҳам кейинги пайтларда мушкул аҳвол юзага келди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини сақлаб қолиш, ходимларга вақтида ҳақ тўлаш борасида қатор муаммолар пайдо бўлди. Бора-бора корхона қошида бинойидеккина ишлаб турган, давлат мулки ҳисобланмиш санаторий-профилакторий ҳам қаровсиз ҳолга тушиб, фаолият кўрсатолмай қолди. Бундан хабар топган дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи "Ҳотамтой — Ё" хусусий фирмаси раҳбари Ёқубжон Кутбиддинов 2004 йил кўкламида савобли ишга қўл урди. Масканни ойига 500 минг сўм тўлаш шарти билан беш йил муддатга ижарага олди. Сўнгра уни эпақага келтириб, физиотерапия, маъданли сув, парафин ҳамда игна муолажаларини йўлга қўйди. Кам таъминланган оилалар аъзоларига арзон нархларда, қарияларга бепул тиббий хизмат кўрсатишни жорий этди. Кўп ўтмай шоҳобчанинг аввалги мавқеи тикланиб, мижозлари кўпайди.

Ана шундай бир вазиятда корхона раҳбари уни ҳузурига чақириб, муайян сабабларга кўра, ижара ҳақини оширишга тўғри келаётганини, суммадаги фарқни корхона ишчиларини масканда соғломлаштириш эвазига қоплаш мумкинлигини айтди. Бу таклиф замирида нималар яширинлигини хаёлига ҳам келтирмаган Ёқубжон бошлиқнинг раъйига қарши чиқолмади.

Алқисса, бултур 28 июнда акциядорлик жамияти, вилоят нотурар жой биноларни ижарага бериш, ҳисобини юритиш ва рўйхатга олиш бошқармаси ҳамда "Ҳотамтой — Ё" ўртасида 2 йилу 4 ой муддатга 512-сонли янги шартнома имзоланди. Унинг 2.2-бандида ойлик ижара ҳақи, гарчи меъёрий ҳужжатлар бўйича 600 минг сўмдан ошмаслиги лозим бўлса-да, 850 минг сўм қилиб белгиланди. 8.1-бандида эса ушбу ҳужжат кучга кирадиган сана, негадир, ўн ой ортга сурилиб, 2004 йил 1 сентябрдан бошланиши ва 2006 йил 31 декабрда тугаши қайд этилди. Ёқубжон кўнгилчанлигига бориб, қолаверса, ҳақ-ҳуқуқини яхши тушунмагани туфайли шартномага қўл қўйиб берди. Мана шу ҳатоси орадан ҳаял ўтмай ўзининг бошига бало бўлди.

Гап шундаки, шартнома имзолангандан сўнг акциядорлик жамиятидагилар тинчгина ишлаб келаётган тадбиркорни боши берк кўчага киритиб қўйишнинг ғаройиб усулини қўллашди. Мукаддам келишилган ижара ҳақини ҳам 850 минг сўм ҳисобидан қайта чўтга солиб, унинг гарданига катагина қарзни илиб қўйишди. Ёқубжон "Янгиланган шартнома 2005 йил 28 июнда тузилган, демак, мен шу кундан эътиборан 850 минг сўмдан тўлашим керак. Унга қадар эски шартномага асосан 500 минг сўмдан топшириб, орани очиқ қилиб келганман-ку", дея эътироз билдирди. Бунга жавобан "Атлас"чилар "Янги шартнома 2004 йил сентябрдан кучга киргани сабабли ўша вақтдан бошлаб ортда қолган ҳар ой учун қўшимча равишда 350 минг сўмдан тўлашингиз керак!" қабилидаги талабни олға суришди. Йил ниҳоясида эса, ўз ҳисоб-китоблари бўйича, "Ҳотамтой — Ё"нинг қарзини, пеняни қўшган ҳолда, 5191524 сўмга чиқариб қўйишди. Жамият ташқи бошқарувчиси Ш.Мамадалиев бу маблағни ундириб беришни ва гўёки хусусий фирма зиммасидаги мажбуриятини муттасил бажармай келаётгани учун 512-сонли ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраб вилоят хўжалик судига мурожаат этди.

Ўлганнинг устига тепгандай, судья Азизбек Одилов ҳам хусусий фирмани даъво-ариза билан таништирмай, вилоят нотурар жой биноларни ижарага бериш, ҳисобини юритиш ва рўйхатга олиш бошқармасини ишга жалб этмай, уларнинг судда қатнашувини таъминламай, лоақал вилоят прокуратурасига хабар бермай, ишни кўришга киришди. Талабгор тақдим қилган ҳужжатларни биргина корхона ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Жакбарали Мустақимов иштирокида ўрганиб чиқди ва жорий йилнинг 20 январида даъвони қаноатлантирди. Боз устига, ҳал қилув қарорини вақтида томонларга ва прокуратурага жўнатмади.

Табиийки, бу ҳақли эътирозларга сабабчи бўлди. Гулчеҳра Аҳмедова раислигидаги апелляция судлов ҳайъати 27 мартда вилоят прокуратураси протестини ва "Ҳотамтой — Ё"нинг шикоятини ўринли ҳисоблаб, қуйи суд қарорини бекор қилди. Ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига қайтарди. Бироқ отдан тушсада, эгардан тушишни истамаган "Атлас"чилар ётиб қолгунча ётиб қолишни афзал билишди. Ижара ҳақини 1,2 миллион сўмга кўтариб, тадбиркор устидан турли назорат органларига шикоят хатлари йўллашди. Лекин текширишларда улар келтирган далилларнинг аксарияти тасдиқланмади.

Ҳа, айтганча, иш апелляция босқичида кўрилган куни яна бир антиқа воқеа рўй берди. Корхона бош муҳандиси Маъруфхон Турғунов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Фазилатхон Сатторова, бошлиқ ўринбосари Мунаввархон Шарипова, бош ҳисобчи Улуғбек Усмонов, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи Жакбарали Мустақимовлар кутилмаганда соғломлаштириш масканига кириб келиб, хусусий фирманинг хизмат бурчини ўтаётган ходимлари билан йиғилиш ўтказишди. Уларга "Ҳотамтой — Ё" апрель ойидан акциядорлик жамияти тасарруфига ўтишини ва келгусида ойлик маошлар корхона томонидан берилишини маълум қилишди. Бу билан тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунларни қўпол равишда бузишди.

Навбатдаги ташқи бошқарувчи Раҳимжон Пўлатов эса судга ёзган қўшимча аризасида учта масалани ўртага қўйди. Аввало, фирманинг шу йил биринчи апрелгача бўлган қарзини 6,6 миллион сўм қилиб кўрсатди. Иккинчидан, ижарачи икки йил давомида масканни бирон мартаям таъмирламагани туфайли корхона 10 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрди, шундан, ҳеч бўлмаганда, 3 миллион сўмини тўлаши керак деган даъвони киритди. Учинчидан, аввалги сафаргидек, 512-сонли шартномани муддатидан олдин бекор қилишни илтимос қилди. Даъвогар вакиллари суддa қамровни бундан-да кенгроқ олиб, "Ҳотамтой — Ё"нинг тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини текширишни ва унинг раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатишни сўрашди.

Аслида-чи?..

Хусусий фирма "Атлас"нинг ўтган йил декабрь ойигача электр энергиядан қарзини ўзи вилоятдаги "Ғайрат" ва "Уйчи" ширкат хўжаликларидан олиши лозим бўлган 4 миллион сўмлик ҳақ ҳисобидан 637176 сўм ортиғи билан ёпиб берганди. Бу хусусда корхона, фирма ва хўжаликлар ўртасида шартномалар тузилганди. Аммо акциядорлик жамиятига тақдим этилган тўлов ҳужжати сирли равишда "йўқолиб" қолганди. Бундан қатъи назар, 2006 йил апрелига келганда "Ҳотамтой — Ё" "Атлас"дан атиги 17824 сўмгина қарздор эди.

Даъвогарнинг шартномани барвақт бекор қилиш борасидаги талаби ҳам ноўрин эди. Негаки, у Фуқаролик кодексининг 384-моддаси 2-бандига мувофиқ, бу ҳақда аввал нотурар жой биноларни ижарага бериш, ҳисобини юритиш ва рўйхатга олиш бош-

Коичиро Мацуура:

«ЮНЕСКО ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ТАЙЁР»

Жорий йилнинг 7–10 сентябрь кунлари БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Коичиро Мацуура юртимизда меҳмон бўлади. Ташриф доирасида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида иккала томон учун ҳам устувор аҳамият касб этувчи йўналишлар, хусусан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

Ташриф арафасида «Жаҳон» ахборот агентлигининг Париждаги мухбири жаноб МАЦУУРА билан суҳбатда бўлди.

— ЮНЕСКО БМТ тизимидаги ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, бешта соҳа: таълим, маданият, табиий фанлар, ижтимоий фанлар ва коммуникация масалалари билан шуғулланади, — деди ЮНЕСКО бош директори. — Уларнинг ҳар бирида бош устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, таълим соҳасида — умумий таълим, уни яна «барча учун мўлжалланган таълим» деб ҳам атайдилар, маданият соҳасида — маданий турфа хилликни қўллаб-қувватлаш, табиий фанларда — чучук сув, ижтимоий фанларда — фан этикаси, айниқса, биоэтика, коммуникацияда эса — билимларнинг янги жамиятини яратиш. Ўйлашимча, умумий таълим ва маданий турфа хиллик халқаро ҳамжамият учун ўта муҳимдир.

— Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини қандай баҳолайсиз? Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги даражасидан бениҳоя мамнунман. Юртингизга бўлажак сафар менинг Ўзбекистонга иккинчи расмий ташрифим бўлади. Биринчиси салкам олти йил аввал бўлиб ўтган. Ўша даврдан буён ўтган вақт мобайнида юртингиз эришган ютуқлар менда катта таассурот уйғотади.

Ўзбекистон пухта ўйланган ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли кўп соҳаларда, жумладан, таълим тизимини такомиллаштиришда катта ютуқларни қўлга киритди. ЮНЕСКО миллий таълим тизимини ислоҳ этишда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр ва режалар амалга ошишига ишонч билан қарамоқда.

ЮНЕСКО, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданий мероси ва хилма-хиллигини асраш йўлидаги ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Айни пайтда Ўзбекистонда жаҳон мероси рўйхатига киритилган тўртта объект мавжуд. Мен Ўзбекистонга аввалги ташрифим чоғида Бухоронинг эски шаҳар қисмида бўлгандим. Унинг бой маданияти менда улкан таассурот қолдирган.

Бундан сал аввалроқ, 1999 йилда мен ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси бўйича қўмитаси раиси сифатида ҳам Ўзбекистонда бўлиб, Тошкент ва Самарқандни зиёрат этгандим. Ўзингизга маълум, Самарқанд — жаҳон мероси рўйхатига киритилган шаҳар. Бу галги сафарим чоғида мен Хивадаги Ичанқалъа ва бошқа диққатга сазовор жойларни бориб кўриш умидидаман.

Ўзбекистоннинг жуда ҳам бой маданий анъаналари бор. Мамлакат номоддий мероснинг икки дурдонаси: Бойсун маданий ҳудуди ва машҳур Шашмақомга эга. ЮНЕСКО томонидан дунё бўйича 90 та ана шундай номоддий маданий мерос дурдонаси рўйхатга олинган. Ўзбекистон ҳукумати халқнинг бой маданий турфа хиллигини асраш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда. ЮНЕСКО мазкур масалани ҳал этишда кўмаклашишга тайёр.

— Мен сиздан яна нималарни сўрамадим, нималарни айтишни режалаштирган эдингиз?

— Аввало, Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакат халқи ва раҳбариятига самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Мен Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида кечган жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб келдим. Мамлакат баъзан сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келди, бироқ сизлар Президент Ислом Каримовнинг донолиги ва тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли уларни енгиб ўтишга муваффақ бўлдингиз. Бугун Ўзбекистон Марказий Осиё ҳаётининг барча жабҳаларида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошлаган хайрли ишларингизни муваффақият билан давом эттиришингизни тилаб қоламан. Юртингиз ҳамиша тинч бўлсин.

Ғайрат ШУКУРОВ.
«Жаҳон» АА.

Париж.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами куни мамлакатимизда нашр этиладиган газеталар сони яна иккитага кўпайди. «Жамият» ва «Uzbekistan Today» («Бугунги Ўзбекистон») газеталарининг илк сонлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Янги нашрлар

«Жамият» газетаси жамоаси фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, бу соҳада юртимиз ва хорижда шаклланган дастлабки қарашлар, шу йўналишдаги тажрибалар Ўзбекистоннинг янги жамият қуриш моделида қандай акс этаётгани тўғрисидаги мақолаларни, Ватанимиз ҳамда хорижда содир бўлаётган турфа янгиланишларга нисбатан фуқароларимизнинг фикр-мулоҳазаларини холисона ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Мустақиллик туфайли юртимизда, айниқса, фуқароларимиз дунёқарашида оламшумул ўзгаришлар содир бўлди. Аҳолининг сиёсий фаоллиги ошди. Хуллас, бундан ўн беш, йигирма йил олдинги ўзбек ишчиси ёки деҳқонини бугунги ишчи, деҳқон билан солиштириб бўлмайди. Рус тилида нашр этилаётган «Uzbekistan Today» газетаси мамлакатимизнинг бугуни, юртимиз ҳаётидаги ва халқимиз дунёқарашидаги ўзгаришларни, кўз ўнгимизда содир бўлаётган жараёнларни кенг ёритиб боради. Рангли суратлар билан безатилган ҳар иккала газета биринчи сонларидаёқ жамоатчиликда, зиёлиларда илиқ таассурот уйғотди.

Ўз мухбиримиз.

ТУҲМАТ

ёхуд эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётган тадбиркорни қай тариқа чув туширмоқчи бўлишгани ҳақида

қармасига мурожаат қилмаган, аниқроғи, низони судгача бартараф этиш йўлларини изламаганди. Давомини суриштирсангиз, ижара шартномаси тўловлари узлуксиз амалга ошириб келингани, давлат бюджетига маблағ тушиб тургани, қарз кам миқдорда бўлгани ва фирма уни тўлаш чорасини кўраётгани судга бундай даъво билан чиқишга асос йўқлигидан далолат берарди. Ва ниҳоят, ижара шартномасида соғломлаштириш масканида амалга оширилажак таъмирлаш ишларининг ҳажмлари ва муддатлари, жойи ва қиймати кўрсатилмаганди. Бу юмушлар бажарилмагани оқибатида корхонага етказилган зарар миқдори аниқ ҳисоб-китоблар воситасида қонуний асослантирилмаганди.

Ана шу боис судья Гулчеҳра Усмонова акциядорлик жамияти фойдасига "Ҳотамтой — Ё" ҳисобидан 17824 сўм қарз пули ва 4000 сўмлик суд почта харажатлари, шунингдек, 73556 сўм миқдорида давлат божи ундириш, даъвонинг ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга оид қисмини кўрмасдан қолдириш, қолганларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Айни чоғда, хусусий фирма вакилларининг илтимосига биноан, ижара шартномасининг 8.1-бандини ҳақиқий эмас деб топиш, ундаги "Мазкур шартнома 2004 йил 1 сентябрдан 2006 йил 31 декабргача тузилди" жумласини чиқариш билан боғлиқ талабни кўрмай қолдириш лозим, деган тўхтамга келди.

Шундай қилиб, салкам тўққиз ойга чўзилган можаро бир қадар ижобий ечим топди. Аммо хўжалик судининг йигирма ойча бурунги ажрими асосида ташқи бошқарув тамойилига ўтган, қисқа фурсатда раҳбари тўрт марта алмашган корхона билан хусусий фирма ўртасидаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Масалан, "Атлас"нинг янги ташқи бошқарувчиси Воҳиджон Қаҳҳоров яқинда Ёқубжон Қутбиддиновнинг кўлига 512-сонли шартнома бекор қилиниши хусусидаги билдиришномани тутқазди.

— Бу ғалваларнинг боши аслида корхонанинг пуч даъволарини фаол ҳимоя қилган Жакбарали Мустақимов турибди, — дейилади "Ҳотамтой — Ё" аъзоларидан 16 нафари тахририятимизга йўллаган хатда. — Бундай хулоса чиқаришга асосимиз етарли: масканда эндигина иш бошлаганимизда 3-қаватдаги бинолар бўш турганди. Кейинчалик "Атлас"га ишга кириб олган Ж.Мустақимов ўша кезларда ҳам ҳозиргидек "Рефлекс — АСД" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари эди. Биздан бўш хоналарни асаб касаллигига чалинган беморларни даволашда фойдаланиши учун бериб туришимизни сўради. Шу асосда ўтган йил февралда суб ижара шартномаси туздик. Унга мувофиқ, МЧЖ 11 ой давомида фирмамиз ҳисоб рақамига 2,2 миллион сўм ўтказиши керак эди. Амалда бор-йўғи 600 минг сўм тўлади. Янги йилдан буёғига эса, гарчи суб ижара шартномаси муҳлати тугаган бўлса-да, 3-қаватдан ноқонуний равишда фойдаланишда давом этмоқда. Унинг асл нияти қарзини тўламаслик, бизни соғломлаштириш масканидан чиқариб юбориб, бинони тўлиғича эгаллаб олишдан иборат. Бир вақтлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилгани, талон-торожликка йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган бу қонунбузар ҳуқуқшуносни тартибга чақириб қўядиган мард топилмаяпти. Оқибатда биз ёпилиб қолган масканни қайта ишга туширганимиз учун раҳмат эшитиш ўрнига туҳматга қолиб ўтирибмиз. Судлашувлардан кейин ҳам тинч-хотиржам ишлаётганимиз йўқ. Бир қарасангиз, акциядордик жамияти маъмуриятидан ҳали муддати тугамаган ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида хат чиқади, бир қарасангиз, корхона вакиллари келиб, жамоамизнинг у ёки бу фаолиятини ўзларича тафтиш қилишади, турли маълумотларни жамлаб, назорат қилувчи органларга шикоятлар ёзишади. Билмадик, ножоиз текшир-текширлар, зимдан ўтказилаётган тазйиқлар қачон барҳам топаркин?..

Албатта, биз шикоятчиларни юз фоиз ҳақ демоқчи эмасмиз. Боиси, тан оладими-олмайдими, хусусий фирма раҳбаридан ҳам маълум даражада айб ўтган. У оқибатини ўйламай-нетмай, мавжуд чалкашликларга эътибор бермай, шартномага имзо чеккан. Лекин бундан "Ҳотамтой — Ё" амалга оширган ижобий ишлардан кўз юмиш мумкин, деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки фирма ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида соғломлаштириш маскани қайта тиклангани, унда ҳозирга қадар республикамизнинг турли вилоятларидан келган уч юздан зиёд киши саломатлигини мустаҳкамлагани, ўттизга яқин қария беминнат муолажа олгани бор ҳақиқат. Модомики, шундай экан, "Атлас" акциядорлик жамияти раҳбарияти "Ҳотамтой — Ё" билан даҳанаки жангни давом эттиргандан кўра, корхонадаги аҳволни ўнглаш, янги иш ўринлари яратиш, ишчи-хизматчиларни моддий жиҳатдан муҳофаза қилиш йўлларини изласа, нур устига нур бўларди.

Эркин ҚАМБАРОВ,
жамоатчи мухбир.
Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

LOK Kolor SINTEZ
қўшма корхонаси
САНОАТ ВА ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН
ЛАК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
15
Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан табриклаймиз!
Барчангизга соғлиқ, осойишталик ва доимий равнақ тилаймиз!
ФИРМА - ДЎКОНИМИЗ
корхонанинг завод нархидаги турли хил махсулотлари билан сизнинг хизматингизда
(Мўлжал — «Фарғона йўли» кўчасидаги собиқ тепловоз депоси)
Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru

Юртимиз пахта ҳосилини етиштиришда ва йиғиштириб олишда бевосита меҳнат қилаётган деҳқонлар диққатига!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»И
жорий йилнинг 1 сентябридан 10 ноябрига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 22 фоиз даромад тўланадиган
«ҲОСИЛ»
жамғарма омонатини таклиф этади.
Омонатнинг бошланғич бадал миқдори — 20 000 сўм.
Омонатнинг сақлаш муддати давомида қўшимча бадал қўшиб боришингиз мумкин.
«Пахтабанк»нинг исталган филиалига мурожаат қилиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.
Хирмонингизга барака, азиз юртдошлар!
«ПАХТАБАНК» — СИЗНИНГ КЕЛГУСИ ДАРОМАДИНГИЗ КАФИЛИДИР!

Хаётий воқеа

Поездга чиқсангиз, ким биландир ҳамроҳ бўлиш табиий, албатта. Бу гал ота, фарзанд ва набирадан иборат бир хонадон аъзолари билан битта купеда кетишимга тўғри келди. Болакай беш-олти ёшлар чамаси, жуда шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган хилидан экан: то ухламагунича тинчимади. Тишимни-тишимга босиб чидадим. Ушбу сафарда ҳамроҳлар масаласида омадим чопмади, деб тургандим, отахон гапириб қолди.

«ЭНДИ МЕН ҲАМ ЯШАЙМАН!»

— Сизга бироз ноқулайлик туғдирдик-да, узр! — деди у тиззасида ширингина ухлаб ётган набирасига термулиб. — Шу пайтгача унинг кўнглига қараб келдик. Шунга мажбур эдик. Туғилишидаёқ туғма юрак хасталиги билан дунёга келди. Дўхтирлар умид йўқ, дейишганди. Энди, худога шукур, ҳаммаси ортда қолди!

Отахон оғир хўрсиндида, болакайнинг бояги шумликларини оқлаган каби деди:

— Шу сабабдан ҳам ёши тўққизда-ю, жуссаси ва қилиқлари беш-олти яшар боланики.

У жимиб қолди. Назаримда, нималарнидир ўйлаб, кечинмаларга берилди. Сўнг:

— Бу дунёда яхшиликнинг бадали яхшилик экан. Шунга амин бўлдим, — дея ҳикоясида давом этди у. — Колхознинг оғир юк машинасини ҳайдардим. Бир гал нима юмуш биландир Самарқандга боришга тўғри келди. Бозорга тушиб келаман, деб хотиним ҳам ҳамроҳ бўлиб қолди. Ишлар битгач, ортга қайтдик. Жомдан ўтаётганимизда хотиним қўярда-қўймай машинани тўхатишимни сўради. «Нега?» десам, йўл чеккасида бир кампир ҳолсизланиб қолибди, ҳол-аҳволини билайлик, дейди. Машинани тўхтатишга тўхтатдим-у, аммо жаҳлим чиққанидан тепа сочим тикка бўлиб кетди. Тунда йўлга чиққандик. Уйқудан қолганман. Толиқканман. Тезроқ уйга бориб, оёқ узатсам-у, чарчоғимни ёзсам, дейман. Хотиним бўлса, бозор-ўчар қиламан деб вақтимни олгани етмагандек, яна оёғимга тушов бўлгани мени ранжитди. Кампирга менинг ҳам кўзим тушувди. Йўл чеккасидаги катта харсанг тош устида ўтириб автобус кутаяпти, чамамда. Қаричилик, бироз пинакка кетганга ўхшайди. Йўл бўйи ҳали бунақа одамларнинг кўпини учратамиз. Ҳар бирига тўхтайверсак, қачон уйга етамиз? Хунобим ошди. Шундоқ хаёлларга бориб турсам, хотиним ҳовлиққанча югуриб келди. «Аҳвол чатоқ, — деди у. — Кампирни касалхонага обормасангиз бўлмайди». Ўша пайтлари йўлларда транспорт воситалари ҳозиргидек серқатнов эмасди. Устига устак, ҳаво иссиқ, йўл азоби — гўр азоби билан тенг даврлар эди. Хотинимнинг куюнчаклигидан куйиб кетдим. Энди унинг айтганини қилмасам бўлмайди. Кампирни кўтариб машина кабинасига олдик. Самарқандга қайтдик. Уни касалхонага жойлаштириб, муолажалардан кейин бироз ўзига келганини билибгина ортга қайтдик. Тўғрисини айтсам, ўшанда бир инсонга ёрдамим текканидан, катта бир савоб иш қилганимдан кўнглим анчайин кўтарилган бўлса ҳам, хотинимнинг ўзбошимчалигидан хафа бўлгандим. Йўл бўйи унга очилиб гапирмадим. Бир-икки марта «Сен йўл атрофидан кўзингни узма, балки яна кимдир ўзидан кетиб қолгандир» деб узиб-узиб ҳам олдим. Кейинчалик буларнинг барчаси унут бўлиб кетди.

Яқинда бир воқеа бўлиб ўтди. Бутун оиламиз бошига ғам тушиб, дарду дунёмиз қоронғулашиб юрганди ўшанда. Энг азиз, энг суюкли набирамизнинг юраги туғма хаста экан. Қаратмаган жойимиз қолмади — умид йўқ, дейишди. Биргина илинж Ҳиндистондан, аммо у ёқларга бориб-келиш, операция харажатлари бизга йўл бўлсин! Қўлимиздан келгани шу: боланинг қовжираб бораётган вужудига боқиб, ҳаммамиз унсиз йиғлардик, холос. Дўхтирлар айтгани каби, кўнглига қараб, истагини бажо келтириб юрардик. Аммо унинг яшаш истагини бажара олмасдик.

Бир куни мактабда оғирлашиб қолибди. Шалвираб қолган вужудни кўтариб келишди. Оғир-оғир йўталар, оғзидан қон аралаш тупук сачрарди. Бу ҳолни кўргандан кўзларим оқиб тушса рози эдим! Дўхтирлар келиб муолажа, қилишди: тинчлантирувчи уколдан сўнг ухлаб қолди, бояқиш. Бошида узоқ ўтирдим. Самарасиз хаёллар исканжасида, ечимсиз саволлар залворидан толиқиб бир оз кўзим илинган экан, кафтимда жажжи қўлчаларининг тафтини сезиб, ҳушёр тортдим.

— Бобо! Мен ўламанми? — шикаста овози дарднок, озорнок эди. Тилим калимага келмади. Шундан кўзимни олиб қочдим, у бўлса кўксимдаги ярани тирнашда давом этди:

— Мактабга бормайман энди. Ҳаммаси мендан ўзини олиб қочади. Касалим юқармиш. Устоз болаларни уришиб бердилар. Ташқарида туриб, эшик тирқишидан эшитиб турдим: «Касали юқумли эмас, фақат узоқ яшамайди» дедилар. Шундайми, бобо?!

Юрагимнинг туб-тубидан бир хўрсиниқ чиқиб келди. Яратганга нола қилдим: «Эй бор худо! Бир умр ҳалол яшадим. Ўғирлик қилмадим. Қинғир йўллар билан молдунё тўпламадим. Оқибат нимага эришдим?.. У куни ўғлим зарда қилиб мени койиди: «Ўзингиз-ку, майли, нега бизни шундай ношуд қилиб тарбияладингиз?» — деди. Жаҳл устида айтди. Уни тушунаман! Яккаю ёлғиз фарзандининг соғайиши учун биргина илинж бўлсаю, кўзимизнинг оқу қорасига ҳаёт бахш этишга дасти қисқалигимиз панд бериб турган бўлса, нима қилсин!»

Отахон намиққан кўзларини дастрўмоли билан артди. Тиришган пешонасидаги ажинлар ёйилиб, чеҳраси бироз ёришди.

Ташвишимиз вилоят ҳокимининг қулоғига етиб борибди. Катта бир йиғинда шу ҳақда гап очиб, кимнинг қанча имкони бўлса ёрдам беришларини сўрабди. Йиғилганлар орасидан бир киши туриб, сафар харажатларини кўтаришини айтибди — барака топсин! Аввало, Президентимизга раҳмат! Ҳомийликка катта эътибор қаратиб, бағоят халқнинг тилагидаги ишни қилдилар.

Болаларимиз Ҳиндистонга учишди. Бир кун, икки кун, уч, тўрт, беш, хулласки, ҳафта — ўн кун ўтди. Юрак ҳовучлаб у ёқдан хабар кутиб турибмиз. Бир куни ўғлимнинг ошнаси ҳовлиқиб келиб қолди. Қўлида телефон: «Ҳозир Ҳиндистондан қўнғироқ келади» дейди. Сабрсизлик билан кутиб турдик. Орада кечган уч-тўрт дақиқа йилдек чўзилди, назаримда. Ниҳоят, қўнғироқ келди. Ўғлим ёки келинимдан қандай мужда бўларкан, деб қўрқаписа гўшакни қулоғимга тутдим. У ёқдан эса қўнғироқдай ингичка товуш эшитилди:

— Бобожон! Бобожон, энди мен ҳам яшайман! Энди кў-ў-п яшайман!

Бошқа гап қулоғимга кирмади. Туғилганидан бери биринчи марта шундай қувонч билан сўзлаган набирагинамнинг каломидан кейин йиғлаб юбордим. Аллоҳга ҳамду санолар айтдим. Ҳукуматимизга, яхши инсонларнинг борлигига шукрона айтиб йиғладим...

Аммо... бу — ўша, йўл бўйида ҳолсизликдан ҳушидан кетиб қолган кампирга қилган яхшилигимизнинг бадали экани хаёлимизга келмаган эди. Буни бир воқеа сабаб кейинроқ пайқадик. Фақат, буниси бошқа бир ҳикоя...

Фозил ТИЛОВАТОВ.

Спорт

Ўзбек курашининг халқаро спорт тури сифатида тан олинганига 8 йил тўлди



Олимпиада мусобақаларини безайдиган ўйин

Бундан саккиз йил аввал миллий спорт туримиз — ўзбек кураши жаҳонда эътироф этилди. 1998 йил 6 сентябрь куни Тошкентда Осиё, Европа ва Америка қитъаларининг 28 давлати вакиллари иштирокида курашни дунё бўйича ривожлантиришга йўналтирилган Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу халқаро ташкилотнинг фахрий Президенти этиб Ўзбекистон давлати раҳбари Ислом Каримов сайланди. Бугун дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача кураш оиласига аъзо мамлакатлар сони янада кўпайиши кутилаяпти.

Албатта, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан бақувват мамлакатларгина ўз миллий спортини халқаро майдонга олиб чиқа олади. Шу жиҳатдан қараганда, курашимизнинг халқаро спорт майдонига чиқиш жараёни ҳам осон кечмади, албатта. Охирги 20 йил ичида ўзбек курашидан ташқари бирорта миллий спорт тури халқаро спорт майдонига чиқа олмаганлигини эсласак, фикримиз янада равонлашади.

«Ўзбек кураши нима учун шундай шарафга муяссар бўлди?», деган савол туғилиши, табиий. Унда, аввало, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик, мардлик ғоялари мужассам. Мабодо, ўзбекистонлик спортчи бошқа спорт тури бўйича бирорта нуфузли мусобақада ғолиб чиқса, Ватанимиз ҳақида ўша мусобақа ўтган давлатда бир мартагина эсланади. Бугун эса миллий спорт туримиз етиб борган давлатларда ўзбек кураши бўйича ўтказилаётган юзлаб нуфузли мусобақаларда ўзбекча сўзлар янграмоқда. Ўзбек кураши етиб борган мамлакатлар халқлари кураш орқали Ўзбекистон ҳақида, қадриятларимиз ҳақида маълумотга эга бўлмоқда. Бундан фахрланмай бўладими?

Курашимиз жаҳонга юз тутган кунданоқ мутахассислар унинг қоидаларини яратишга асосий эътиборни қаратишди. «Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси» китобининг ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган нашри ихлосмандлар қўлига тегди.

Ўтган саккиз йил мобайнида кўплаб қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар билан бир қаторда 5 марта жаҳон чемпионати ташкиллаштирилди. Кураш ихлосмандлари 1999 йил 1-2 май кунлари Тошкентда уюштирилган биринчи жаҳон чемпионатини яхши эслашади. 2000 йили Туркиянинг Анталия шаҳрида, 2001 йили Венгрия пойтахти Будапештда, 2002 йили Арманистон пойтахти Ереванда ва 2005 йили пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида навбатдаги жаҳон чемпионатлари зўр муваффақият билан ўтди.

Яқинда Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида кураш бўйича V Осиё чемпионати, белбоғли кураш бўйича эса I Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъамизнинг ўндан ортиқ мамлакати полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Ташкилотчиларнинг айтишича, халқаро миқёсдаги спорт мусобақаси афғон заминида илк бор ташкиллаштирилди. Яна денг, кураш бўйича.

— Афғонлар спорт ўйинларини жуда соғиниб қолган экан, — дейди Ўзбекистон миллий кураш федерацияси бош котиби Олим Ҳайитов. — Кураш бўйича ҳамюртларимиздан С.Худойбердиев, Б.Рустамов ва Д.Чориевлар ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида ҳам полвонларимиз биринчи бўлишди. Иккинчи ўрин Эрон, учинчи ўрин эса Афғонистон мамлакати курашчиларига насиб этди.

Белбоғли кураш бўйича ҳам беллашувлар муросасиз кечди. Унда вакилларимиздан Р. Исҳоқов олтин, Р. Умаров кумуш, О. Ҳайитов бронза медалларини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида Афғонистон курашчилари шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Тожикистон ва Ўзбекистон полвонлари иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Знёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентдан Австралия очиқ чемпионатига

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир муҳим жиҳати, айнан Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатидан бошлаб, яккалик беллашувлар ғолибларига теннис оламининг энг нуфузли мусобақаларидан саналган «Australiah Open»га йўлланма берила бошлади. Бу чемпионат нуфузининг ошишига, кучли ракетка усталарининг кўпроқ қатнашишига туртки бўлди.

Мамлакатимизда ўтаётган қитъа чемпионати ўзбекистонлик теннисчилар маҳорати ошишига, мазкур спорт турининг оммалашишига хизмат қилмоқда, десак адашмаймиз. Эсингизда бўлса, ўтган йилги чемпионатда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишганди. Айниқса, финалда ҳамюртимиз Денис Истомин қитъанинг энг номдор теннисчиларидан бири — таиландлик Данай Удомчокни мағлубиятга учратгани катта шов-шувга сабаб бўлганди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда Оқгул Омонмуродова чемпион бўлганди. Шунингдек, эркаклар ўртасидаги жуфтлик мусобақасида ҳам Мурод Иноятов ва Денис Истомин ғолиб чиқишганди. Фақат аёллар ўртасидаги жуфтлик беллашувлари ғолиблиги Хитой Тайпейи вакилларига насиб этди.

Бу йилги мусобақада қитъамизнинг кучли ракетка усталари — Ким Со-Жунг (Корея), Занг Шуаи (Хитой), Уберои Шикха (Ҳиндистон), Юнг-Жан Чан (Хитой Тайпейи), Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова ва Денис Истомин (Ўзбекистон)ларнинг қатнашаётганлиги мусобақаларнинг муросасиз кечишини таъминламоқда. Дарвоқе, Ирода биринчи учрашувини ғалаба билан бошлади.

Мусобақа ғолиблари номи 9 сентябрь куни маълум бўлади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қўшма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказгич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2. Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36.

Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг ассортименти 2197 тани ташкил этади

www.uzkabel.uz

Товар сертификатланган

Савдоларга оммавий оферта орқали банкрот корхона —

«Техтаъминот» ОАЖнинг

мол-мулклари қўйилади.

Корхона қуйидаги манзилда жойлашган: **Ангрен шаҳри, Дзержинский кўчаси, 14-уй.**

Корхонанинг бозор баҳоси — **1 243 229 394 сўм.**

Корхонанинг мол-мулклари объектларга бўлинган, улар савдоларга алоҳида ЛОТларда қўйилади.

Объектларнинг сотиб олиш баҳоси бўйича таклифларни юридик шахслар раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоси ва муҳр билан, жисмоний шахслар имзо, паспорт нусхаси ва СТИРни кўрсатиб, муҳрланган конвертларда қуйидаги манзилга юборишлари лозим: **110200, Ангрен шаҳри, Дзержинский кўчаси, 14-уй.**

Конвертлар комиссия томонидан 2006 йил 12 сентябрь куни соат 10.00да «Техтаъминот» ОАЖнинг маъмурий биносида очилади.

Олди-сотди шартномалари объектларга энг юқори баҳони таклиф этган шахслар билан тузилади.

Объектлар ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: **382-89-14, 8-266-2-31-21, 8-266-3-38-14.**

ЛОТ-1. Бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар.

Бозор баҳоси — 714 737 351 сўм.
Мазкур объект мулкий мажмуа сифатида савдоларга қўйилади.
Умумий майдони — 13,2 га.

Қисқача тавсифи
- *икки қаватли маъмурий бино, майдони 490 кв. м.;*
- *майдони 178,8 кв. м. ва 67,2 кв. м.лик икки томонида бостирмали, 2 та бир қаватли ғиштли бино;*
- *икки томони бостирмали, икки қаватли ғиштли бино, майдони 179,1 кв. м.;*
- *2 та бостирма;*
- *майдони 840 кв. м. ва 382,8 кв. м.лик иккита бир қаватли бино;*
- *бостирмали икки қаватли ғиштли бино, майдони 39 кв. м.;*
- *бир қаватли бино, майдони 50 кв. м.;*
- *майдони 1720,3 кв. м., 1603 кв. м., 1603,9 кв. м. бўлган бир қаватли 1, 2, 3-омборхона бинолари;*
- *бир қаватли гараж биноси, майдони 122,9 кв. м.;*
- *омборхона-бостирма, майдони 2020,8 кв. м.;*
- *техника хавфсизлиги будкаси.*

Бошқа объектлар
26 номдаги асосий воситалар, 3292 п/метрли темир йўл керакли ускуналари билан, 500 метр асфальт-бетон йўл, 1581 метрлик темир-бетон девор, 463 метр ер ости электр тармоғи, 643 метр сув узатиш тармоғи.

ЛОТ-2. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.

Бозор баҳоси — 96 848 895 сўм.

Қисқача тавсифи
- *майдони 41,3 кв.м. бўлган бино;*
- *15 номдаги асбоб-ускуналар.*

ЛОТ-3. Ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси.

Бозор баҳоси — 359 520 062 сўм.

Қисқача тавсифи
- *умумий майдони 546,7 кв. м. бўлган 8 та бино;*
- *узунлиги 1718 метр бўлган асфальт йўл;*
- *узунлиги 320 метр бўлган темир йўл;*
- *узунлиги 466 метр бўлган темир тўсиқ;*
- *110 номдаги асбоб-ускуналар ва резервуарлар.*

ЛОТ-4. 4-сонли омборхона биноси.

Бозор баҳоси — 47 080 000 сўм.

Қисқача тавсифи
Умумий майдони — 987,2 кв.м., қурилиш ҳажми — 6219,1 куб.м., бир қаватли, темир-бетон конструкциялардан қурилган.

Лот-5. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 4 785 600 сўм.
- *«МАЗ-53371» русумли автомашина, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 199, кузови — юк-бортли, соз ҳолда;*
- *тиркама (прицеп) 2 тн.гача ЗпТС, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 2пТС, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

ЛОТ-6. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 5 164 300 сўм.
- *«ЗИЛ-431412» русумли автокран, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 932, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 2пТС, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

ЛОТ-7. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 2 992 100 сўм
- автоюкловчи ДВ 1733, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;
- автоюкловчи ДВ 4014, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;
- автоюкловчи ДВ 40814, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.

ЛОТ-8. Автотранспорт воситалари.

Бозор баҳоси — 4 843 700 сўм.
- *«Кавз-5376» русумли автобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 195, соз ҳолда;*
- *«ГАЗ-3307» русумли автомашина, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AD 198, соз ҳолда.*

ЛОТ-9. Тракторлар.

Бозор баҳоси — 11 474 800 сўм.
- *«Т-150» русумли трактор, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда;*
- *«Т-150» русумли трактор, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 887 Б, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда;*
- *тиркама 2 тн.гача 887, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолда.*

3160Ж/613

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали бош мутахассиси Қобил Зоҳидовга волидаи муҳтарамаси **РИХСИ аянинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Баҳриддин Салоҳиддинович МАННОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Педагогика ва муҳандислик психологияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Каримахон Ҳошимовага падари бузруквори **МАТКАРИМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Интер-Роҳат» қўшма корхонаси жамоаси бош директор муовини Ғайратжон Амировга фарзанди **БОБУРЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Доннёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 12345